

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН САМАРАЛИ ЛОЙИХАЛАР МОДЕЛЛАРИ.

Ф.М.Базаров

*Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби 2-босқич магистранти,
тел: (93) 383-41-41*

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда темир йўл транспортини ривожлантиришда самарали лойиҳалар моделларининг аҳамияти таҳлил қилинган. Инфратузилмани модернизация қилиш, давлат-хусусий шериклик (ДХШ)ни кенгайтириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида кўриб чиқилган. Шунингдек, амалий мисоллар асосида лойиҳаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва технологик самарадорлиги баҳоланган. Мақолада замонавий ечимлар ва стратегик ёндашувлар орқали темир йўл соҳасини барқарор ривожлантириш имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: темир йўл транспорти, лойиҳа модели, инфратузилма, рақамли трансформация, давлат-хусусий шериклик, транспорт коридори, самарадорлик, инвестиция, логистика, модернизация.

Кириш. Темир йўл транспорти мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, товарлар ва йўловчиларни ташиш, минтақаларни боғлаш ва халқаро савдо коридорларини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистонда темир йўл соҳаси мустақиллик йилларидан бошлаб катта ўзгаришларга дуч келди, бу эса янги темир йўллар қурилиши, тезюарар поездлар жорий этилиши ва инфратузилмани модернизация қилиш каби йирик лойиҳаларда намоён бўлди. Ушбу мақола темир йўл транспортини ривожлантиришда самарали лойиҳалар моделларини кўриб чиқади ва уларнинг Ўзбекистон мисолидаги амалий аҳамиятини таҳлил қилади.

Темир йўл транспортини ривожлантиришда бир қатор асосий йўналишлар мавжуд бўлиб, улар самарали лойиҳалар моделларини шакллантиришга хизмат қилади:

1. Инфратузилмани модернизация қилиш ва кенгайтириш: Янги темир йўл линияларини қуриш ва мавжудларини электрлаштириш юк ва йўловчи ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистонда Андижон-Наманган йўналишидаги темир йўлларнинг электрлаштирилиши ва “Қамчиқ” тоннелининг қурилиши мамлакатнинг шарқий ва марказий минтақаларини боғлашда муҳим қадам бўлди.

2. Тезюрар поездларни жорий қилиш: Тезюрар поездлар (масалан, “Афросиёб”) йўловчилар ташишнинг сифати ва тезлигини оширди. Бу нафақат вақтни тежаш, балки туризм ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

3. Хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик (ДХШ): “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тузилмасини ислоҳ қилиш ва айрим соҳаларни хусусийлаштириш хусусий секторни жалб қилиш ва хизматлар сифатини ошириш имконини берди. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари орқали темир йўл станцияларини модернизация қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича аукционлар ўтказилмоқда.

4. Рақамли трансформация: 2023-2025 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, бу билет сотиш, юк ташишни бошқариш ва хавфсизлик тизимларини автоматлаштиришни ўз ичига олади.

Қуйида самара берувчи лойиҳалар моделларини келтирайлик:

1. Инфраструктура лойиҳалари - янги темир йўл линиялари қуриш ва мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш Ўзбекистонда темир йўл тармоғининг асосий ривожланиш йўналишларидан биридир. Масалан, Хитойдан жалб қилинган заёмлар орқали “Шарғункўмир” АЖ ва “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар

амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар юк ташиш ҳажмини ошириш ва хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистонда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар, жумладан, янги темир йўл линиялари куриш ва мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни қисқача таҳлил қилиб чиқамиз. *Янги темир йўл линиялари:* “Шарғункўмир” АЖ ва “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан Хитой заёмлари ёрдамида амалга оширилаётган лойиҳалар юк ташиш ҳажмини оширишга қаратилган. Бу, айниқса, саноат ва экспорт соҳалари, жумладан, кўмир ташиш учун муҳимдир.

Модернизация: Мавжуд темир йўлларнинг техник жиҳатдан янгиланганлиги хизмат сифатини оширади, транспорт харажатларини камайтиради ва логистика самарадорлигини кўтаради.

Иқтисодий фойда: Ушбу лойиҳалар мамлакат иқтисодиётига, хусусан, ташқи савдо ва ички юк айланмасига ижобий таъсир кўрсатади.

Мисоллар ва унинг таъсири: “Шарғункўмир” ва “Ўзбеккўмир” лойиҳалари кўмир саноатини кўллаб-қувватлайди, бу эса энергия ресурсларини ташишда муҳим аҳамиятга эга; Хитой заёмлари орқали молиялаштириш хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инфраструктурани тез ривожлантириш имконини беради. Темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистоннинг транспорт-логистика тизимини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутаяди.

2. *Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моделлари* - Темир йўл соҳасида давлат-хусусий шериклик моделларини жорий этиш харажатларни оптималлаштириш, хизмат сифатини ошириш ҳамда инфратузилмани модернизация қилишда самарали восита ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги амалий қадамлардан бири — темир йўл станцияларини аукцион тарзида хусусий секторга ижарага бериш механизmidир. Бу орқали хусусий инвесторларнинг молиявий ва технологик имкониятларидан фойдаланиш имкони яратилади. Шу билан бирга, давлат ресурсларини тежаш, инвестиция

хатарларини қисман хусусий сектор зиммасига юклаган ҳолда, инфратузилмани ривожлантиришга эришилади.

Давлат-хусусий шерикликнинг мазкур модели нафақат инфратузилмани яхшилашга, балки хизмат сифатини бозор механизмлари асосида оширишга ҳам хизмат қилади. Инвесторлар рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида замонавий технологияларни жорий этишга ҳаракат қиладилар, бу эса узок муддатда бутун тармоқнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

3. Рақамли технологияларни жорий этиш - Темир йўл транспортида рақамли технологияларни жорий этиш соҳанинг самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифати ва хавфсизлик даражасини яхшилашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли трансформация лойиҳалари доирасида жорий этилган онлайн билет сотиш тизимлари, юк ташиш жараёнларини реал вақтда мониторинг қилиш имкониятлари, шунингдек, хавфсизлик тизимларининг автоматлаштирилиши орқали фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлар ишончилиги ва қулайлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Айниқса, 2023–2025 йилларга мўлжалланган миллий “Йўл харитаси” ушбу жараённи тизимли ва мақсадли тарзда амалга оширишда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унга мувофиқ, рақамли ечимлар жорий этиш орқали нафақат эксплуатация жараёнларининг шаффофлиги таъминланади, балки харажатлар сезиларли даражада камайтирилади, бошқарув тизимидаги самарадорлик ошади.

Рақамли технологиялар транспорт соҳасини рақобатбардош ва инновацион йўналишда ривожлантиришга хизмат қилиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имконини яратади.

4. Халқаро транспорт коридорлари - Ўзбекистоннинг стратегик географик жойлашуви мамлакатни Евроосиё маконидаги муҳим халқаро транспорт коридорларининг узвий бўғинига айлантirmoқда. Мамлакатнинг транзит салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида сўнгги йилларда қатор минтақавий ва халқаро даражадаги ташаббуслар амалга оширилмоқда. Хусусан,

2019 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган минтақавий форум доирасида транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлик, мавжуд транзит муаммолари ҳамда савдо алоқаларини фаоллаштириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Хитой – Европа ва Марказий Осиё йўналишидаги темир йўл коридорларини ривожлантириш Ўзбекистон учун нафақат транзит ҳажмини ошириш, балки минтақа иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш воситаси ҳам ҳисобланади. “Ўрта йўл” (Middle Corridor), “Бельт ва йўл” (Belt and Road) ташаббуслари доирасида мамлакат инфратузилмасини модернизация қилиш, логистика марказлари ташкил этиш ва рақамли йўлбошлов тизимларини жорий этиш каби лойиҳалар транзит имкониятларини янада кенгайтиради. Бундай коридорлар орқали халқаро бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайди, экспорт-импорт жараёнлари соддалашади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатилади.

Самарали лойиҳалар моделларининг муваффақиятини баҳолашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

✚ **Иқтисодий самарадорлик:** Лойиҳаларнинг молиявий фойдаси ва харажатларни қоплаш даражаси.

✚ **Ижтимоий таъсир:** Йўловчилар учун хизмат сифатининг ошиши, меҳнат бозорида янги иш ўринлари яратилиши.

✚ **Экологик барқарорлик:** Электрлаштирилган темир йўллар ва энергия самарали технологиялардан фойдаланиш орқали углерод чиқиндиларининг камайиши.

✚ **Технологик инновациялар:** Рақамли тизимлар ва автоматлаштиришнинг жорий этилиши. Масалан, “Қамчиқ” тоннели лойиҳаси иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлиб, Фарғона водийсининг транспорт алоқаларини яхшилашга хизмат қилди.

Хулоса. Темир йўл транспорти саноатини ривожлантириш учун самарали лойиҳалар моделлари инфратузилмани модернизация қилиш, давлат-хусусий шериклик, рақамли трансформация ва халқаро транспорт коридорларини

ривожлантириш каби йўналишларга асосланади. Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳалар, хусусан, тезюарар поездларни жорий этиш ва “Қамчиқ” тоннели каби йирик инфратузилма лойиҳалари соҳанинг ривожланишида муҳим кадамлар бўлди. Келгусида хусусий секторни янада кўпроқ жалб қилиш, рақамли технологияларни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали темир йўл тармоғининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 августдаги ПФ-5128-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329-сон қарори.
3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ расмий веб-сайти.
4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги. “2023–2025 йилларда транспорт соҳасини рақамлаштириш бўйича йўл харитаси”. — Тошкент, 2023.
5. ADB (Asian Development Bank). *Uzbekistan Transport Sector Master Plan*. ADB Publications, 2021.
6. UNESCAP. *Trans-Asian Railway Network: Development and Outlook*. United Nations, 2022.
7. Шарипов, И.Х. “Ўзбекистонда темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари”. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, №4, 2022.
8. Ким, Д.А. “Халқаро транспорт коридорларининг геоиқтисодий аҳамияти” // *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар*, №2, 2021.
9. “Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун. 10.05.2019 йил, №ЗРУ–537.
10. World Bank. *Railway Reform: Toolkit for Improving Rail Sector Performance*. Washington DC, 2017.